

# Биринчи қўнғироқ жаранглари 2021-2022 ўқув йилини очиб берди



Бугун Термиз туманидаги барча таълим муассасаларида жумладан, 28 та умумтаълим мактаблари, 1 та олий таълим муассасаси ва 1 та касб-хунар мактабида 2021-2022 ўқув йилининг бошланиши муносабати билан мустақиллик дарслари ташкил этилди. Тадбирларда тумандаги корхона, ташкилот ва идора раҳбарлари иштирок этди.

Ҳар бир ҳудудда секторлар раҳбарлари мактабларга боришиб, янги ўқув йилининг бошланиши ва билимлар куни ҳамда янги ўқув йилида 1-синфга қабул қилинган болажонларни байрам билан тариклаб, Президент совғаларини тантаналари топширдилар.

Тадбирлар байрамона кайфиятда тумандаги барча таълим муассасаларида давом этмоқда.